

4-дарс: Нотиқликда омонатдорлик

11:52 / 18.04.2017 4047

1. Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз.
2. Ёлғон тўқувчининг жойи дўзах.
3. Омонатдорлик амалларнинг сараси.

Нотиқликда омонатдорлик катта аҳамият касб этади. Ҳар бир воиз минбарга чиқиб Аллоҳ таолонинг муборак каломи бўлмиш Қуръони каримдан, Расулуллоҳнинг ҳадиси шарифларидан ва ўтмишда ўтган буюк сиймоларниш ҳикматли сўзларидан насихат қилар экан, биринчи галда ҳар бир айтилаётган сўзга эътибор қилмоғи лозимдир. Китобларда қандай келтирилган бўлса, шундай етказмоқликка буюрилгандир. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони ази-муш-шаънда марҳамат қилиб:

«Эй, мўъминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз» деб марҳамат қилди. Мазкур оятга эътибор қилинса, фақатгина нотиқлар эмас, балки, барча мўъминларни тўғри сўзлашга буюрилмокда. Шундай экан воизлар ўз мавъизаларида эҳтиёт бўлмоқликлари лозимдир. Чунки уларни бепарволик ила қилган биргина хатоси бир неча инсонларнинг залолатига сабаб бўлиши мумкин. Қасддан қилинган хатолар, ёлғонлар, тўқима хабарларга эса ушбу ҳадиснинг ўзи кифоядир.

«Мендан биргина хабар бўлсада, (инсонларга) етказинглар. Бани Исроил қиссалари, ибратли ҳикояларини гапираверинглар ҳеч қандай ноқулайлик йўқ ва кимда ким менга қасддан ёлғон тўқиса, ўзига дўзахдан жой тайёрлаб олсин». (Абдуллоҳ ибн Амрдан Бухорий ривояти).

Ҳазрати Имоми Ғаззолий айтадилар: «Баъзи бир кимсалар, инсонларни яхши амалларга етаклаш, гуноҳлардан сақланиши учун сабаб бўладиган тўқима ҳадисларни айтиш ёки ўзи тўқиши жоиз деб ўйлайдилар. Бу эса оғир бир хатодир. Ёлғон сўзлашга фақатгина зарур бўлган уч ўринда рухсат берилган холос. Улардан бири, икки кишининг ўртасини ислоҳ қилиш, иккинчиси, урушдаги ёлғон (ҳийла), учинчиси, эру-хотин ўртасидаги мураса учун бўлган ёлғон. Булардан бошқа ўринларда яъни, пок шариатимизни инсонларга етказмоқликда ёлғонга ҳожат йўқдир. Зеро, оятлар ва ҳадисларда етарлича сидқ (тўғри) хабарлар бордир. Расулуллоҳнинг шаънига ёлғон тўқишлик гуноҳи кабиралардандир».

Ҳазрати Имоми Ғаззолий ўзларининг «Заммул-жоҳ вар-риё» номли китобларида шундай деганлар:

«Воиз, У - каломи ва сийрати билан охиратга рағбат уйғотувчи ва дунёда

зухдга етакловчи кишидир». Демак, шундай экан, нотиклар ўз хизматларини адо этишда инсонларнинг розилигини ўйлаб, уларни хушнуд этувчи сўзларни сўзлаб, хутбаларининг фақатгина зоҳирига эътибор бериб, мўъминнинг асл мақсади бўлган охиратни эсдан чиқариб қўймасинлар, балки Аллоҳ таолонинг розилигини эсласинлар ва шу билан биргаликда ўзларини қилаётган хутбаларига амал қилсинлар

Исо алайҳис салом: «Эй, уламолар! Ўзида кепакни олиб қолиб унни ўтказиб юборадиган элак каби бўлманглар», яъни оғизларингиз билан инсонларга фойдали ҳукмларни ўргатиб, ўзларингиз бенасиб қолманглар, деганлар.